

Astronomiya o'qitishda fizik bilimlarga tayanilgan holda astronomik kuzatishlar va nazariy qonuniyatlar o'rganiladi. Jumladan osmon jismlarining sutkalik va yillik ko'rinma harakatini kuzatish jarayonida uning sutkalik gorizont va yillik paralaksarlari, osmon jismlarigacha bo'lgan masofa, o'lchami, zichligi, temperatura, yorqinliklarini aniqlashda fizik bilimlarga tayaniladi. Osmon yoritkichlarining tarkibiy qismini ularning nurlanish spektrlarini tahlil qilish orqali aniqlash mumkin. Fizika va astronomiya rivoji natijasida oraliq fan sifatida astrofizika shakllandi.

Ekologik muammolar ko'p tarmoqli - ular barcha tabiatshunoslik fanlarida ko'rib chiqiladi va ularni hal qilish yo'llarini izlashda birlashtiriladi.

Fizika o'qitishning eng muhim vazifalaridan biri talabalar olamning ilmiy manzarisining bir qismi bo'lgan olamning hozirgi zamon fizik manzarasi haqidagi tasavvurlarini shakllantirishdir. Olamning zamonaviy ilmiy manzarasi haqidagi g'oyalarni faqat fanlararo asosda shakllantirish mumkin, chunki har bir fan ushbu muammoni hal qilishga hissa qo'shadi [3].

Ta'lim jarayonidagi mavjud amaliy tajribani tahlil qilish fizika va boshqa fanlar o'rtasidagi aloqalarni amalga oshirishning quyidagi asosiy shakllarini ajratib ko'rsatishga imkon beradi [4]:

- an'anaviy darsda mavzuni o'rganish yoki mustahkamlash jarayonida fizik hodisalar va qonuniyatlarning biologik, kimyoviy va boshqa hodisalar bilan aloqasini ochib berish;

- integratsiyalashgan darslarda tabiiy fanlarning o'zaro bog'liqligini ochib berish;

- fizika fanidan amaliy ishlarni bajarishda (masalalar yechish, tajribalar bajarish, loyihalash) talabalarining boshqa fanlarni o'rganishda olgan bilim va ko'nikmalarini ushbu bilimlarning umumiylikini hisobga olgan holda foydalanish;

- kompleks ekskursiyalarni o'tkazish;

- murakkab xususiyatdagi darsdan tashqari mashg'ulot-

Adabiyotlar

1. O'zbekiston Respublikasi Oliy va o'rta maxsus ta'lim vazirligi 60110700-Fizika va astronomiya bakalavriat ta'lim yo'nalishining malaka talablari. -Toshkent: 2021 yil 25 avgust.
2. Djorayev M., Sattorova B. Fizika va astronomiya o'qitish nazariyasi va metodikasi. -T.: «Fan va texnologiya», 2015, 352-b.
3. Теория и методика обучения физике в школе: общие вопросы. Учебное пособие для студентов высших педагогических учебных заведений. С.Е.Каменецкий, Н.С.Пурешева, Н.Е.Важеевская и др. Под ред С. Е. Каменецкого, Н. С. Пуршевой. -М.: Академия, 2000.-С. 369.
4. Елагина В.С. О подготовке учителей естественнонаучных дисциплин к самообразовательной деятельности по проблеме меж предметных связей. // «Наука и школа». 2000. №3. -С. 32-35.

REZYUME

Ushbu maqolada fizikaning tabiiy fanlar bilan fanlararo integratsiyasini amalga oshirish usullari, integratsiyalashning o'ziga xos xususiyatlari yoritilgan.

РЕЗЮМЕ

В данной статье освещаются методы осуществления междисциплинарной интеграции физики с естественными науками, специфика интеграции.

SUMMARY

This article covers the methods for the implementation of science integration of physics with Natural Sciences, the specific features of integration.

ЕНГИЛ САНОАТ ЙЎНАЛИШДАГИ ТАЛАБАЛАРДА ИНТЕРФАОЛ МЕТОДЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ НАҚШБАНДИЯ ТАЪЛИМОТИДАГИ ХАЛОЛЛИК ТУШУНЧАЛАРНИНГ СИНГДИРИШ

В.Э.Убайдова - ўқитувчи-стажёр

Бухоро муҳандислик технология институти

Таянч сўзлар: олий таълим, енгил sanoat, Бахоуддин Нақшбанди, ҳалол, ҳалолликка ўргатиш, ҳалол меҳнат, “Даст ба кору, Дил ба Ёр”, инновацион воситалар.

Ключевые слова: высшее образование, легкая промышленность, Бахоуддин Нақшбанди, ҳалал, ҳалалное учение, ҳалалный труд, “Даст ба кору, Дил ба Ёр”, инновационные средства.

Key words: higher education, light industry, Bahaiddin Naqshband, halal, halal teaching, halal labor, “Dast ba koru, Dil ba Yor” innovative tools.

Кириш. Жаҳон микёсида сифатли, инсон саломатлигига фойдали, табиий толалардан тайёрланган матоларни тайёрлаш жараёни такомиллаштириш ва бу жараёни коррупция иллагидан қутқариш асосий муаммо бўлиб қолмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 6 июлдаги «Коррупцияга қарши мurosасиз муносабатда бўлиш муҳитини яратиш, давлат ва жамият

ларни о'тказиш (талбаларнинг икки ва undan ortiq fanlar bo'yicha bilimlaridan foydalanadigan to'garaklar ishini tashkil etish, anjumanlar, kechalar o'tkazish).

Bu nomlangan shakllar fanlararo integratsiyaning metodlari va vositalari majmuini belgilaydi - boshqa fanlar ma'lumotlaridan foydalangan holda suhbat yoki hikoya, talabalarining ma'ruzalari, videoroliklar, fanlararo masalalarni yechish, fanlararo mazmundagi topshiriqlar, laboratoriya ishlari, fanlararo loyihalar, o'yin metodlari (fanlararo viktorinalar, musobaqalar o'tkazishda) va boshqalar.

Fizikaning boshqa fanlar bilan integratsiyalashuvining o'ziga xos jihati shundaki, aksariyat hollarda fizika boshqa tabiatshunoslik fanlarida o'rganish obyektlarining jarayonlari va xususiyatlarini tushuntirish uchun asos bo'lib xizmat qiladi, fanlararo muammolarni hal qilish va hokazo, ya'ni bu vosita, axborot asosi bo'lib, o'qituvchining vazifasini yengillashtiradi - uning o'zi yoki talabalar yordamida fizikadan olingan bilimlarni boshqa fanlarda qo'llashni ko'rsatadi. Fizika-fan kabi, fizika-predmet ham boshqa fanlarga o'ziga xos umumlashtirilgan ko'nikmalar - eksperimental, tadqiqot, muammolarni hal qilish, o'lchash va boshqalarni beradi va ular bilan umumiy usullardan - umumiy o'quv faoliyatidan foydalanadi. Bu shuni anglatadiki, fizikada integrativ aloqalarni amalga oshirishda boshqa fanlar ma'lumotlaridan foydalaniladi, lekin talabalar boshqa fanlarda qisman duch kelgan fizikaga tanish bo'lgan metodlar va usullardan foydalaniladi. Shunday qilib, fizika fanlararo muammolarni hal qilish uchun axborot asosini tayyorlaydi, shuningdek, umumlashtirilgan ko'nikmalar yoki harakatlarni qo'llash haqidagi bilimlarni chuqurlashtiradi va kengaytiradi, talabalarni ularni amalga oshirish tajribasi bilan qurollantiradi. Bu fizikaning boshqa tabiiy fanlar bilan fanlararo integratsiyalashuvining o'ziga xos xususiyatlari hisoblanadi.

Fanlararo integratsiyani amalga oshirish borasidagi ishlar tizimli, doimiy, maqsadli va barcha tabiiy fanlar uchun umumiy bo'lishi muhim ahamiyatga ega.

Adabiyotlar

1. O'zbekiston Respublikasi Oliy va o'rta maxsus ta'lim vazirligi 60110700-Fizika va astronomiya bakalavriat ta'lim yo'nalishining malaka talablari. -Toshkent: 2021 yil 25 avgust.

2. Djorayev M., Sattorova B. Fizika va astronomiya o'qitish nazariyasi va metodikasi. -T.: «Fan va texnologiya», 2015, 352-b.

3. Теория и методика обучения физике в школе: общие вопросы. Учебное пособие для студентов высших педагогических учебных заведений. С.Е.Каменецкий, Н.С.Пурешева, Н.Е.Важеевская и др. Под ред С. Е. Каменецкого, Н. С. Пуршевой. -М.: Академия, 2000.-С. 369.

4. Елагина В.С. О подготовке учителей естественнонаучных дисциплин к самообразовательной деятельности по проблеме меж предметных связей. // «Наука и школа». 2000. №3. -С. 32-35.

REZYUME

Ushbu maqolada fizikaning tabiiy fanlar bilan fanlararo integratsiyasini amalga oshirish usullari, integratsiyalashning o'ziga xos xususiyatlari yoritilgan.

РЕЗЮМЕ

В данной статье освещаются методы осуществления междисциплинарной интеграции физики с естественными науками, специфика интеграции.

SUMMARY

This article covers the methods for the implementation of science integration of physics with Natural Sciences, the specific features of integration.

ЕНГИЛ САНОАТ ЙЎНАЛИШДАГИ ТАЛАБАЛАРДА ИНТЕРФАОЛ МЕТОДЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ НАҚШБАНДИЯ ТАЪЛИМОТИДАГИ ХАЛОЛЛИК ТУШУНЧАЛАРНИНГ СИНГДИРИШ

В.Э.Убайдова - ўқитувчи-стажёр

Бухоро муҳандислик технология институти

Таянч сўзлар: олий таълим, енгил sanoat, Бахоуддин Нақшбанди, ҳалол, ҳалолликка ўргатиш, ҳалол меҳнат, “Даст ба кору, Дил ба Ёр”, инновацион воситалар.

Ключевые слова: высшее образование, легкая промышленность, Бахоуддин Нақшбанди, ҳалал, ҳалалное учение, ҳалалный труд, “Даст ба кору, Дил ба Ёр”, инновационные средства.

Key words: higher education, light industry, Bahaiddin Naqshband, halal, halal teaching, halal labor, “Dast ba koru, Dil ba Yor” innovative tools.

Кириш. Жаҳон микёсида сифатли, инсон саломатлигига фойдали, табиий толалардан тайёрланган матоларни тайёрлаш жараёни такомиллаштириш ва бу жараёни коррупция иллагидан қутқариш асосий муаммо бўлиб қолмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 6 июлдаги «Коррупцияга қарши мurosасиз муносабатда бўлиш муҳитини яратиш, давлат ва жамият

бошқарувида коррупциявий омилларни кескин камайитириш ва бунда жамоатчилик иштирокини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-6257-сон қарор қабул қилинган [1]. Ўзбекистонда ҳам коррупциянинг олдини олиш, экспортбон енгил sanoat маҳсулотларини тайёрлаш жараёнида хом-ашёлардан рационал фойдаланиш, меҳнат фаолиятини тармоқ меъёрий талаблари доирасида ташкил этиш, бу борада

олий таълим тизими енгил саноат соҳалари битирувчиларини ҳаллоллик, виждонлилик, масъулиятлилик руҳида тайёрлаш асосий вазифалардан биридир. Бу жараён ҳалқаро андозаларга мос бўлиши учун юксак технологияларни биладиган, ҳалолу пок мутахассисларга эҳтиёжни янада кучайтиради. Шунинг учун олий таълим тизимида виждонли, маънавиятли, меҳнатсевар мутахассисларни тайёрлаш услубларини топиш долзарб масаладир.

Усуллар. Тадқиқотимизда Нақшбандия таълимоти яхлит тизим сифатида олиб таҳлил этиш учун сўровномалар ўтказилиб, таҳлил қилинган. Нақшбандия таълимотида хос бўлган ва олий таълим тизимида ҳалқаро андозаларга муносиб кадрларни тайёрлашда фойдаланиладиган асосий ғоялар ва тамойилларни герменевтика услуби асосида тушуниб, англаб, танлаб олдиқ, тарихийлик ва мантиқийлик, анализ ва синтез, қиёсий таққослаш услублари асосида ҳозирги кунга мос бўлган инновацион услубий асосларни аниқладик.

Натижалар. Нақшбандия таълимотидаги ҳалол лукма тушунчасини англаш учун аввало ҳалол ва ҳаром тушунчаларини моҳиятини англаш лозим. Бунинг учун талабаларни қуйидаги матн билан таништириш яхши натижа беради.

“Ҳалол” араб тилидан олинган сўз бўлиб, рухсат этилган, йўл қўйилган, қонуний, асосли, виждонга мувофиқ маъноларини англатади. Ҳадиси шарифда: “Ҳалол – очиқ, ойдиндир”, - дейилган. Аввало, ҳалол деганда очиқ, ойдин ҳалоллиги кўриниб турган сув, сут, мева сувлари каби ичимликлар, нон, мева, полиз экинлари, Аллоҳнинг исми айтиб сўйилган ҳалол ҳайвонлар гўшти каби таомлар, рухсат берилган кийимлар ва никоҳга олинган шахслар назарга олинади. Ҳалолликнинг асосий меъзони ҳалол касбу кор билан сармоя топиш бўлиб ҳисобланади. Ҳалол касб, ҳалол меҳнат, ҳалол йўл билан топилган, ҳадя, икки тараф розилиги билан бўлган тижорат туфайли қўлга киритилган мулк ҳам ҳалол бўлади.

Талабаларда ҳалол ва ҳаром тушунчаларининг моҳиятини англашларига ақлий ҳужум услубининг аҳамияти каттадир. Бизнинг фикримизча маъруза бошида қуйидаги тарзда мазкур услубни самарали қўллаш мумкин:

Ақлий ҳужум – талабаларни фаоллаштириш ва диққатини аниқ бир масалага жалб этиш ва тўплаш учун “Ҳалол” нима? ва “Ҳаром” нима? деган саволлар гуруҳга ташланади.

Талабаларнинг жавоблари олиниб умумлаштирилган кейин устоз ҳалол ва ҳаром тушунчаларини кенгрок ва батафсилроқ ёритади. Талабалар ҳалол ва ҳаром тушунчаси билан танишгандан кейин Баҳоуддин Нақшбанд таълимотидаги бу масалага эътиборини ёритамиз.

Баҳоуддин Нақшбанд таълимотида ҳалол тушунчасига махсус эътибор берилган. Баҳоуддин Нақшбанд асослаган йўл тасаввуфнинг мўътадил, ҳушёрлик йўли бўлиб, баркамол инсонни тарбиялашга ёрдам беради. Ҳар бир талаба Баҳоуддин Нақшбанд ҳаёт йўлини манбалар асосида билиши ва унинг маънавий мероси билан яқиндан таниш бўлиши яхши натижа беради. Айниқса, Баҳоуддин Нақшбанднинг билишга оид 20 маслаҳати, “Аврод” рисолати ва ҳикматли сўзларини ўрганиш ҳар бир талабанинг маънавий дунёқарашини ўсишига ёрдам беради [5].

Ҳар бир талаба Баҳоуддин Нақшбанднинг айтган бу ҳикматли сўзларини маъносини англаши халқимизга ҳалол тушунчасини тушунтиришга асос бўла олади.

Адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 6 июлдаги «Коррупцияга қарши муросасиз муносабатда бўлиш муҳитини яратиш, давлат ва жамият бошқарувида коррупциявий омилларни кескин камайтириш ва бунда жамоатчилик иштирокини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-6257-сон қарори.

Чунки Баҳоуддин Нақшбанднинг шогирдлари билан суҳбатларда юқоридаги ҳадиси кўп такрорлашлари ҳалол тушунчасини жуда кенг тушунганларидан далолат беради.[2] Баҳоуддин Нақшбанд асослаган Нақшбандия таълимотининг асосий шиори: “Даст ба қору, дил ба Ёр” – “Қўл ишда ва қалб Ёр (Аллоҳ) билан”. Бу шиор асрлар давомида инсонни мукаммал ҳаракатга ундайди. Енгил саноат соҳасида таҳсил олаётган талабалар “Даст ба қору, дил ба Ёр” шиорининг моҳиятини англасалар ва амалда қўлласалар, Ўзбекистонда экспортбот енгил саноат маҳсулотларини ишлаб чиқаришда ўз ҳиссасини қўша оладилар. Чунки бу шиор инсонни иймонли бўлиб, ҳалол меҳнат қилишга ундайди [6].

Баҳоуддинга касбу-корларига асосан Нақшбанд номи берилган. Манбада ёзилишича, Баҳоуддин Нақшбанд шундай деган эканлар: “Мен ва отам кимхоббофлик касби билан машғул эдик” [4]. Демак, Баҳоуддин Нақшбанд оталари билан бирга ўша даврда Бухородан чиқадиган ва чет элларга ҳам экспорт қилинадиган энг сара мато кимхобга нақш боғлаш хунари билан машғул бўлганлар ва ҳалол йўл билан ризку рўзларини топганлар. Шу касблари туфайли ҳалол меҳнат натижасида энг гўзал нақш Аллоҳни барча мавжудотларнинг зоҳирида тажаллийсини кўрганлар ҳамда Аллоҳни қалбда нақшлашни ўрганиб, бошқаларга ҳам ўргатиб, Шоҳ Нақшбанд номи билан машғур бўлдилар [7].

Нақшбандия таълимотидаги ҳалол яшашга ёрдам берувчи инсоният тан олган, моддий ва маънавий юксалишнинг асоси бўлган “Даст ба қору, дил ба Ёр” шиорининг талабалар қалби ва онгига сингдиришда Т-схема инновацион услубининг самарадорлиги каттадир. Талабаларга шиорнинг моҳиятини жадвалга тўлдириш мустақил иш сифатида берилади ва унинг натижаси эркин ижобий муҳитда муҳокама қилинади [3].

Мавзунини хулосалаб талабаларга уйга топширик сифатида Б/Б/Б жадвалини тўлдириб келиш вазифа қилиб берилади.

Б/Б/Б жадвали

Биламан	Билишни хоҳлайман	Билиб олдим
1		
2		
3		
4		

Хулоса ва таклифлар.

Ўзбекистонда экспортбот енгил саноат маҳсулотларини ишлаб чиқаришда Нақшбандия таълимотининг ҳалол лукмага амал қилиш тамойилини таълим ва тарбия жараёнига киритишнинг қуйидаги аҳамияти бор:

1. Ҳалол лукма ҳақидаги нақшбандиёна талаб ҳалол меҳнат жараёнини ташкил этишга ёрдам беради. Бу хомашё ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиб, жаҳон андозаларга мос экспортбот енгил саноат маҳсулотларни тайёрлашга асос бўла олади.

2. “Даст ба қору, дил ба Ёр” – “Қўл ишда ва қалб Оллоҳда” нақшбандиёна шиор асосида тарбияланган талабалар меҳнатсевар, ҳаракатчан ва иймон-этиқодли бўладилар. Меҳнатсеварлик жамият иқтисодини кўтаришга ёрдам берса, иймонлилик маънавий бой бўлишга асос бўлади.

3. Нақшбандияга хос ҳалол лукмага риоя қилиш тамойилининг ҳалол, ҳаром, меҳнатсеварлик, барака, ҳолис яхшилик қилиш каби асосий тушунчаларини сингдиришда ақлий ҳужум, кластер, Т-схема, Б/Б/Б инновацион услублардан фойдаланишнинг аҳамияти катта.

2. Авлиёкулов Н.Х. Нақшбандия таълимоти жаҳон цивилизация ривожланиши баёнида. -Тошкент: "Fan va texnologiya", 2018. 60-6.
3. Авлиякулов Н.Х., Мусаева Н.Н. Педагогик технологиялар. – Т.: "Fan va texnologiyalar" нашриёти, 2008.
4. Баҳоуддин Нақшбанд (Манбалар таҳлили). Тўплаб нашрга тайёрловчи мақола изоҳ ва шарҳлар муаллифи. Г.Н.Наврўзова. -Тошкент: "Sano-standart" нашриёти, 2019. 256-б.
5. Баҳоуддин Нақшбанд. Аврод (тўлдирилган кайта нашр). Мақола, изоҳ ва шарҳлар муаллифи ва таржимон Г.Н.Наврўзова. -Тошкент: "Sano-standart" нашриёти. 2019. 112-б.
6. Бухорий С.С. Ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанд (Дилда ёр) Т.: "Бухоро", "O'qtuvchi" нашриёт мабаа ижодий уйи, 2007. 120-б.
7. Navruzova G.N., Ubaydova V.E. "Pharaon of the weavers of Bahauddin Naqshband". ACADEMICIA: An international Multidisciplinary Research Journal Vol.10 Issue 5, May 2020. – P. 922-926.

РЕЗЮМЕ

Мақолада Олий таълимда енгил саноат йўналишида таҳсил олаётган талабаларга таълим беришда Баҳоуддин Нақшбанд номи билан машҳур Мухаммад ибн Мухаммад ал-Бухорий (1318 -1389) томонидан асосланган ва жаҳонда кенг тарқалган Нақшбандия тасаввуфий таълимотидаги ҳалол луқмага амал қилиш тамойилининг мазмун-моҳияти ва аҳамияти очиқ берилди. Унда Нақшбандия таълимотидаги ҳалолга амал қилиш тамойилидан ҳозирги кунда енгил саноат соҳасида мутахассисларни тайёрлашда фойдаланиш услублари ва инновацион воситалари аниқланган.

РЕЗЮМЕ

В статье раскрывается сущность и значение принципа честности в учении Нақшбандия, основанной Мухаммадом ибн Мухаммадом аль-Бухари (1318-1389), известным как Бахауддин Нақшбанд, в обучении студентов легкой промышленности в высших учебных заведениях. Выявлены методы и инновационные инструменты применения принципа честности в учении Нақшбанди в настоящее время при подготовке специалистов легкой промышленности.

SUMMARY

The article reveals the essence and significance of the principle of honesty in the teachings of Naqshbandi, founded by Muhammad ibn Muhammad al-Bukhari (1318-1389), known as Bahauddin Naqshband, in teaching students of light industry in higher educational institutions. Methods and innovative tools for applying the principle of honesty in the teachings of Naqshbandi at the present time in the training of light industry specialists are revealed, and the importance of eliminating corruption is revealed in the system of today's education and raising honest (halal) students.

TARIX FANI MASHG'ULOTLARIDA O'QUVCHILARNI TO'G'RI VA MANTIQLI JAVOB BERISHGA O'RGATISH USULLARI

G.M.Yerjanova – doktorant

Ajiniyoz nomidagi Nukus davlat pedagogika instituti

Tayanch soʻzlar: to'g'ri savol tuzish, mantiqli javob berish, milliy tarix, o'qitish metodikasi, mustaqil ishlash, izlab topish, qiyoslash, taqqoslash, ajdodlar tarixi, milliy g'urur.

Ключевые слова: правильный вопрос, логический ответ, национальная история, методика обучения, самостоятельная работа, поиск, сравнение, сопоставление, история предков, национальная гордость.

Key words: correct questioning, logical answer, national history, teaching methods, independent work, search, comparison, contract, ancestral history, national pride.

Mashg'ulotlar orqali o'quvchida avvalo, mantiqiy fikrlash ko'nikmasini rivojlantirib olish kerak. Zero, "yoshlarimizning mustaqil fikrlaydigan, yuksak intellektual va ma'naviy salohiyatga ega bo'lib, dunyo miqyosida o'z tengdoshlariga hech qaysi sohada bo'sh kelmaydigan insonlar bo'lib kamol topishi, baxtli bo'lishi uchun davlatimiz va jamiyatimizning bor kuch va imkoniyatlarini safarbar etamiz", – deya ta'kidlanishi tarix o'qitish fani oldiga mamlakatimiz yoshlarini mantiqiy fikrlaydigan, milliy g'ururi baland, mustaqil fikr sohiblari etib tarbiyalashdek dolzarb vazifalarni qo'yadi.

Milliy tarixni o'qitishda yangi yondashuvlar va tushunchalarni izlash o'tmishning barcha tadqiqot yuklarini to'liq qayta ko'rib chiqishni, alohida voqealar va faktlarni soxtalashtirishni yoki yashirishni anglatmaydi. Aksincha, dars mashg'ulotlarida talabalarning o'zlariga tarixga oid ko'p variantli axborotlarni aniqlashtirish topshiriqlarini berish kerak. Bu talabaning mustaqil ishlash ko'nikmasini rivojlantiradi. Axborot – (lot. informatio – tushuntirish, bayon qilish) – shartli belgilar yordamida shaxslar, predmetlar, dalillar, voqealar, hodisalar va jarayonlar haqida, ularni tasvirlash shaklidan qat'iy nazar uzatiladigan va saqlanadigan ma'lumotlar.

11-sinf "O'zbekiston tarixi" darslarida berilgan o'quv materiali bilan ishlash mexanizmini takomillashtirish lozim. Ayniqsa, O'zbekiston tarixi fanini o'qitishda nafaqat ma'lumot-axborotga ega bo'lish, balki milliy iftixor ruhi ham tarbiyalanishi, o'quvchini mustaqil fikrlashga o'rgatishga asosiy urg'uni berish lozim.

Masalan, joriy darsliklarda matn bilan quyidagicha ishlanadi:

O'zbekistonda ma'naviy va tarixiy merosning tiklanishi



Tarixiy xotiraning tiklanishi. O'zbekiston mustaqillikka erishgandan keyingi dolzarb muammolardan biri - yangi tarixiy sharoitda jamiyatga munosib kishilarni tarbiyalash edi. O'zbekiston suveren davlat sifatida ijtimoiy-siyosiy hayotda ma'naviy yangilanish jarayonini amalga oshirib, mustaqillikni har tomonlama mustahkamlab bo'lmashini hayotning o'zi ko'rsatdi. Shuning uchun ham mamlakat rahbariyati istiqbolning dastlabki paytidanoq bu borada zarur choralar ko'rdi.

Tarixiy tafakkurning rivojlanishi ma'rifat asosida, ma'rifatli bo'lish negizida sodir bo'ladi. 1991-yili Alisher Navoiy tavalludining 550 yilligi keng nishonlandi. Bu to'yga respublikada katta tayyorgarlik ko'rildi va u xalqning katta madaniyat bayramiga aylandi. Uning yigirma jildlik mukammal asarlar to'plami nashr etila boshlandi. Yubiley oldidan Alisher Navoiyning buyuk siymosi ifoda etilgan sahna asarlari, kinofilmlar yaratildi. Alisher Navoiy nomidagi Davlat mukofoti ta'sis etildi. Adabiyot institutiga Alisher Navoiy nomi berildi. Mamlakat poytaxti Toshkentda ulug' bobomizning muhtasham haykali qo'yildiki, bu joy xalqning muqaddas ziyoratgohiga aylandi. Navoiy haykali «Komsomol ko'li» deb nomlangan istirohat bog'iga o'rnatildi va bog' Alisher Navoiy nomidagi milliy bog' deb ataladigan bo'ldi. 1994-yilni hukumat qarori bilan Ulug'bek yili, deb e'lon qilinishi, uning 600 yilligini O'zbekistonda